



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ  
ХИЗМАТИ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**“Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси  
парвозларининг метеорологик таъминоти” авиация қондаларига  
(ЎзР АҚ-180) ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасининг 2002 йил 26 декабрдаги 154 ва 332-ОП-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси парвозларининг метеорологик таъминоти” авиация қондаларига (ЎзР АҚ-180) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Ўзавиация” агентлиги директори в.б. Ульжаев Т. ва Гидрометеорология хизмати марказининг Авиацияга метеорологик таъминоти хизмати бошлиги А. Ражабова зиммасига юклансин.

**Транспорт вазири**

**Э. Ганиев**

Тошкент ш.,  
20 20 й. “ 28 ” 05 ,  
10 -сон

**Гидрометеорология хизмати  
маркази бош директорининг  
биринчи ўринбосари**

**Б. Нишонов**

Тошкент ш.,  
20 20 й. “ 28 ” 05 ,  
09 -сон

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги  
ва Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология  
хизмати марказининг  
20 20 йил "28" 05 10 19-сон қарорига  
ИЛОВА

**“Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси парвозларининг  
метеорологик таъминоти” авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-180)  
қиртилётган ўзгартиришлар**

1. Рус тилидаги 9-бандда «Государственной инспекцией Республики Узбекистан по надзору за безопасностью полетов (далее Госавианадзор)» деган сўзлар «Агентством гражданской авиации при Министерстве транспорта Республики Узбекистан (далее – Агентство «Узавиация»)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Рус тилидаги 21<sup>1</sup>-банддаги «Госавианадзор» деган сўз «Агентство «Узавиация»» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Рус тилидаги 2-иловада 5-банддаги «Госавианадзора» деган сўз «Агентства «Узавиация»» деган сўзлар билан алмаштирилсин.